

## ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ МУҲИТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилшод Хайруллаев Бахриддинович,

Шаҳрисабз давлат педагогика институти ўқитувчиси

### **Аннотация:**

Рақамли таълим муҳити глобал ахборот маконининг бир қисми бўлиб, у педагогик жараённинг турли вазифаларини қўллаб-қувватлаш учун тармоқ ва компьютер технологияларининг бутун узлуксизлигини ўз ичига олади. Рақамли таълим муҳитининг асосий компонентлари телекоммуникация тизимлари ва тармоқлари - Интернет, ижтимоий тармоқлар, веб-платформалар, мобил иловалардир. Мақолада ҳам рақамли таълим муҳитининг ўзига хослиги хуусида амалий таклифлар берилади.

**Калит сўзлар:** рақамли таълим, инновация, таълим, професионаллик, дастур, компьютер, тармоқ.

### **Abstract:**

The digital educational environment is part of the global information space, which includes the entire continuum of network and computer technologies to support various tasks of the pedagogical process. The main components of the digital educational environment are telecommunication systems and networks - the Internet, social networks, web platforms, mobile applications. The article also gives practical suggestions on the uniqueness of the digital educational environment.

**Key words:** digital education, innovation, education, professionalism, program, computer, network.

### **Аннотация:**

Цифровая образовательная среда является частью глобального информационного пространства, включающего в себя весь континуум сетевых и компьютерных технологий для обеспечения различных задач педагогического процесса. Основными компонентами цифровой образовательной среды являются телекоммуникационные системы и сети – Интернет, социальные сети, веб-платформы, мобильные приложения. Также в статье даны практические рекомендации по уникальности цифровой образовательной среды.

**Ключевые слова:** цифровое образование, инновации, образование, профессионализм, программа, компьютер, сеть.

Ахборот тизимларининг (бундан буён матнда АТ деб юритилади) очиқ тўплами бир қатор профессионал вазифаларни ҳал қилишга имкон беради (масалан, [hemis.tuitkf.uz](http://hemis.tuitkf.uz) рақамли платформаларидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат айланиши). Шу билан бирга, очиқлик рақамли таълим мухитининг бир қисми сифатида турли хил АТлардан фойдаланиш қобилияти ва ҳуқуқи сифатида тушунилади.

С.Д.Каракозов, Л.Р.Пикалова, Е.П.Седова, О.Н.Титованинг фикрича, рақамли таълим мухити деганда “ Рақамли таълим мухитидан фойдаланиб ўқувчиларнинг БКМ ва шахсий сифат фазилатлари шаклланадиган, шу жумладан, таълим натижаларига эришиладиган мухит” тушунилади.

Илмий адабиётларда ва таълимни рақамлаштиришга оид қонун ҳужжатларида “рақамли таълим мухити”, “рақамли мухит” ва “рақамли таълим соҳаси”, “ахборот-таълим мухити” каби бир қанча асосий тушунчалардан фойдаланилади.

Ўз навбатида, "рақамли таълим мухити" атамаси қонун билан белгиланмаган, аммо у Ҳукуматининг айрим қарорларида ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўлланилади. Шундай қилиб, 2023 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Президентнинг тегишли Фармонига асосан Рақамли технологиялар вазирлигига айлантирилди.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муаммоси олий педагогик таълим соҳасида давлат даражасида амалиётда долзарб бўлиб, рақамли технологияларнинг мамлакат рақобатбардошлигини оширишда кадрлар тайёрлаш орқали ҳал қилувчи ролини тушуниш билан боғлиқ.

Рақамли таълим мухити учун таълим тизимида ўқитишини таъминлаш рақамли иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлаш сифати билан боғлиқ лойиҳанинг кўрсаткичлари қўйидагилар:

1. Олий таълим битирувчилари рақамли иқтисодиёт компетенцияларига эга бўлиши.
2. Ахборот технологиялари (кейинги ўринларда АТ) йўналиши бўйича олий таълим дастурларига қабул қилинган талабалар сонининг ўсиши.
3. Рақамли саводхонлик сифатлари ва рақамли иқтисодиётнинг асосий компетенцияларига эга бўлган шахслар сонининг кўпайиши.
4. Қўшимча таълим доирасида рақамли иқтисодиёт компетенциялари бўйича қайта тайёрлашдан ўтган мутахассислар сонини кўпайтириш.

Рақамли иқтисодиёт кўрсаткичларига эришиш фаннинг турли соҳалари учун зарурий компетенция моделини ишлаб чиқишига асосланади. Таълим соҳасида ўқитувчи томонидан ижтимоий субъект сифатида ҳал қилинадиган вазифаларга асосланган рақамли иқтисодиёт компетенцияларининг бирлиги асосий моделдир. Зарурий компетенциялар умумий ("махсус бўлмаган") вазифаларни ҳал қилишнинг фаолият компонентини ўз ичига олади. "Ўқитувчи" касби вазифаларининг ўзига хослиги зарурий компетенциялари мавжудлигига амалга ошиши мумкин.

А.М.Кондаковнинг фикрича, рақамли иқтисодиёт компетенциялари рўйхати ижтимоий-иқтисодий шароитларга мос келадиган рақамли иқтисодий фаолиятнинг зарурий ва касбий компетенциялари тизимиdir. Зарурий компетенциялардан иборат “Ўқитувчи касби учун рақамли иқтисодиёт компетенцияларининг асосий модели” тайёр меъёрий хужжат ҳали ишлаб чиқилмаган. Умумий (зарурий) компетенциялар универсал компетенциялар (кейинги ўринларда - УК) орқали Олий таълим учун ДТСнинг сўнгти версиясида таклиф этилади.

ДТСдан ташқари, 2020 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси инновацион технологиялар взирлиги рақамли таълим муҳитида ўқитувчиларни тайёрлашга таъсир қилувчи лойиҳалар рўйхатини тасдиқлади. Буларга қуйидагилар киради:

- “Замонавий мактаб” (Лойиҳадан мақсад умумий ва касб-ҳунар таълими босқичларида ўқитиш ва таълимнинг янги методларини жорий этиш, “Технология” фан йўналиши мазмунини янгилашдан иборат);
- “Рақамли таълим муҳити” (Лойиҳадан кўзланган мақсад 2030 йил охирига қадар таълим ташкилотларида сифатни тизимли равишда яхшилаш ва онлайн курсларни ўзлаштирган ўқувчилар сонини кўпайтириш учун педагогик шарт-шароитлар яратиш). Бир қатор манбаларни таҳлил қилиш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий сифатларини ривожлантиришда ҳисобга олиниши керак бўлган рақамли таълим муҳитининг хусусиятлари қуйидагicha бўлиши керак.
- ҳар қандай фойдаланувчи учун ахборот тизимларидан (техник, молиявий, ахборот, услубий, дастурний ва бошқалар) фойдаланишнинг очиқлиги;
- Интернет муҳитига киришга рухсат (рақамли контентнинг бир қисми);
- таълим дастурларининг тенг қисми сифатида онлайн таълимни жорий этиш (on-line курслар, рақамли кутубхоналар, ўқув мақсадлари учун маълумотлар базалари, ахборот-маълумот тизимлари);
- “ягона ойна” тамойили бўйича онлайн курсларга киришни таъминловчи ва бир қатор мавжуд платформаларни бирлаштирувчи ахборот ресурсини яратиш.

Бўлажак ўқитувчини тайёрлашда рақамли таълим соҳасидаги лойиҳаларни (онлайн курслар, “Технология” фан соҳаси) амалга ошириш учун бир қатор касбий сифатларни ривожлантириш учун рақамли таълим муҳити хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Рақамли таълим муҳитида ишлаш учун касбий сифатлар рўйхатини аниқлаштириб онлайн курсларнинг вазифаларини ва “Технология” фан соҳасини аниқлаймиз.

“Онлайн” атамаси (инглизча “to be on line” – чизикда бўлмоқ) бошқа фойдаланувчилар (маҳаллий ва глобал тармок) учун мавжудлик ҳолатидир [172]. Олий таълим фойдаланувчиларига масофавий кириш учун ўқув материалларини нашр этиш концепцияси оммавий очиқ онлайн курслар (кейинги ўринларда – MOOC, Massive Open Online Course) кўринишида тақдим этилган. Бу атама 2010 йилда Дейв Кормиер (Канада) томонидан ишлатилган. MOOC тўпламлари: маъruzalар, ўқув сифатини

автоматик баҳолаш имконияти билан ёритилган материал бўйича тест материаллари, лаборатория тажрибаларини компьютерда намойиш қилиш. Педагогикада таълимнинг бу тури “масофавий таълим тизими” деб аталади.

“Технологик таълим” йўналиши бўйича бакалавриат дастурларини амалга оширишда Олий таълимнинг ДТС га мувофиқ, олий таълим муассасаси электрон таълим ва масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Электрон таълим деганда ахборот-таълим ресурслари, ахборот-коммуникация технологиялари, техник воситалар, шунингдек, ахборот-таълим ресурсларини узатишни ҳамда таълим маконида иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган ахборот-телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда таълим дастурларини амалга ошириш тушунилади. Электрон таълим нафақат очиқ таълимни амалга ошириш воситаси сифатида (ўқув курсларини лойиҳалаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи бепул ахборот модуллари банкларини яратишга асосланган очиқ таълим мазмунидир. Ўз навбатида, масофавий таълим технологиялари ўқитувчи ва талаба ўртасидаги масофавий ҳамкорлик учун АКТдан фойдаланадиган технологиялардир.

## Хуноса

1. Рақамли таълим мұхитида ишлаш учун бўлажак ўқитувчиларнинг касбий сифатларини ривожлантириш муаммосининг ривожланиш даражаси аниқланди ва ўрганилди. Ушбу муаммонинг педагогика ОТМларида педагогик назария ва амалиёт учун долзарблиги аниқланди. Рақамли таълим мұхитида ишлаш учун бўлажак ўқитувчиларнинг касбий сифатларини ривожлантиришнинг мұхим хусусияти илмий асосланган.
2. Рақамли таълим мұхитида ишлаш учун бўлажак ўқитувчиларнинг касбий мұхим сифатлари педагогик касбий фаолиятга хос хусусиятлар тўпламидир. Бўлажак ўқитувчиларнинг рақамли таълим мұхитида ишлаш учун касбий сифатларини ривожлантириш бу ўқув ва касбий фаолиятнинг мақсадлари ва мазмунини лойиҳалаштиришга қаратилган ўқув жараёни субъектларининг мақсадли касбий ва педагогик фаолиятидир. Рақамли таълим мұхитида ишлаш учун бўлажак ўқитувчиларнинг касбий сифатларининг асосий компонентлари: ижтимоий-педагогик, мотивацион-эмоционал, гностик, маданий-маърифий, конструкторлик-лойиҳа ва рақамли саводхонликнинг сифатлари тўплами.
3. Рақамли таълим мұхитида ишлаш учун бўлажак ўқитувчиларнинг касбий сифатларини ривожлантириш имкониятлари қўйидаги шаклда аниқланади ва тавсифланади: ўқув ва касбий фаолиятнинг мақсадлари ва мазмунини лойиҳалаш, ривожланганлик даражаларининг дастлабки ҳолатини ва талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш; таълим стандартининг асоси бўлган ва бўлажак ўқитувчиларнинг муваффақиятли касбий ва педагогик шаклланишига таъсир

кўрсатадиган, малака хусусиятлари ва кўнижмаларини ривожлантиришни ўз ичига олган компетентли ва касбий-фаолиятли ёндашувлари.

4. Педагогик жараённинг турли вазифаларини таъминлаш учун мўлжалланган ахборот тизимлари тўплами сифатида "рақамли таълим мухити" тушунчасининг муҳим тавсифи илмий асосланган: ахборот тизимларига киришда очиқлик (техник, молиявий, ахборот, услубий, дастурий таъминот ва бошқалар); интернет мухитига кириш (рақамли контентнинг бир қисми); таълим дастурларининг тенг қисмлари сифатида он-лайн ўқитишини амалга ошириш (он-лайн курслар, рақамли кутубхоналар, ўкув мақсадлари маълумотлар базалари, ахборот-маълумот тизимлари); "ягона ойна" тамойили бўйича он-лайн курсларга киришни таъминловчи ахборот ресурсларини яратиш ва уни бир қатор мавжуд платформаларга бирлаштириш.

5. Касбий сифатларнинг компонентлари ва уларнинг ривожланиш даражалари (мотиви, билими, қўлланилиши ва акс еттирилиши) асосида рақамли таълим мухитида ишлаш учун бўлажак ўқитувчиларнинг касбий сифатларини ривожланганлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари, шаклланиш даражалари, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш воситалари аниқланади.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/2126032>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3564970>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги ПҚ-5847-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4545884>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/4415478>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-4623-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4749364>
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/361387>
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича Давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/2165717>.